


## “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Фарғона вилояти хокимининг Жамоатчилик  
назорати Кенгаши раиси

  
Х.О.Комилов /  
5.10.2022 йил

### Жамоатчилик нazorати Кенгашининг 2022 йил 3-чорак давомида амалга оширган ишлари ҳамда йил якуни билан фаолиятимизни режалаштириш бўйича йиғилиш Б А Ё Н Н О М А С И

Фарғона шаҳри

2022 йил 5 октябр

**Раислик қилди:** **Х.О.Комилов**– Ҳалқ депутатлари Фарғона вилоят  
Кенгаши депутати, Жамоатчилик кенгаши раиси.  
**З.Рахмонов** – Жамоатчилик кенгаши раиси  
ўринбосари. Маҳалла ва Нурунийлар бошқармаси  
бошлиқ ўринбосари.

**Иштирок этдилар:** Шаҳар туман хокимларининг Мехнат фахрийси,  
Жамоатчилик кенгаши вакиллари (25 нафар) вилоят  
хокимлиги фаоллари (*рўйхат илова этилади*).

#### КУН ТАРТИБИ:

1. 2022 йил ҳосили учун экилган бошоқли дон ҳосилини ўз вақтида ва сифатли ўриб-йиғиб олишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижроси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорни ижроси ва ушбу байрамни муносиб кутиб олиш юзасидан амалга оширилган ишлар.
3. 2022 йил учун пахта ҳосилини йиғиб олиш ва унга таёргарлик кўригш юзасидан амалга оширилган ишлар ва терим мавсумини якунига етказиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш.
4. 2022 йил якунига қадар йиллик режа асосида амалга оширилигш лозим бўлган ишлар юзасидан таклифлар асосида ўз режаларимизни белгилаб олиш.

**Х.О.Комилов**– Ҳалқ депутатлари Фарғона  
вилоят Кенгаши депутати, Жамоатчилик  
кенгаши раиси.

Йиғилиш раиси Х.О.Комилов йиғилиш қатнашчиларига кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

Раис ўз маърузасида 2022 йилнинг 3-чорак давомидаги амалга оширилган ишлар юзасидан ўз маълумотини берди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан 2022 йил ҳосили учун экилган бошоқли дон ҳосилини ўз вақтида ва сифатли ўриб-йиғиб олишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижроси юзасидан барча туманларга бошоқли дон ҳосилини йиғиб олиш учун икки нафардан жамоатчилик вакиллари билан бириктирилганлиги ва улар ўз тажрибалари билан маҳаллий сектор раҳбарлари ва фермерларга амалий ёрдам беришга келишиб олинганлиги ва бу саи ҳаракатлар ўз натижасини берганлигини яна бир бор исботланганлигини такидлаб ўтилди. Ўйлаймизки бу тажрибамиз қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига ислох қилиниши ўзаро келишиб олинди. Раис ўз сўзида ўйлаймизки биз нуруний отахонлар вилоятимизнинг бугунги кундаги барча соҳалардаги эришилаётган ютуқларида ўз хиссамизни қўшиб келамиз деди. Йиғилиш давомида кун тартибидаги кейинги масала яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорни вилоятимиздаги ижроси бўйича тўхталди. Барчамизга маълумки халқимизнинг улкан жасорати ва матонати билан 1991 йил 31 августда қўлга киритилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон унутилмайдиган, кадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора ортиб борадиган буюк тарихий воқеа эканлиги. Айнан миллий мустақиллик эл-юртимиз учун жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш, шу жумладан, ҳаётнинг турли соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш учун мустақкам замин яратиш, эришаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаи бўлиб келмоқда деди. Ўтган давр давомида кесалар ва нурунийлар берилган эътибор юзасидан алоҳида аниқ мисоллар билан санаб ўтилди.

Шундан сўнг 2022 йил учун пахта ҳосилини йиғиб олиш ва унга тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилган ишлар ва терим мавсумини якунига етказиш бўйича вилоятимизда амалга оширилаётган ишлар юзасидан тўхталди. Белгилаб олинган режа асосида барча туманларга 28 нафар Жамоатчилик вакиллари билан пахта мавсумига бириктирилганлиги ва пахта терим мавсумини юшқоқлик билан ўтказиш юзасидан амалий ёрдам берилганлигини такидлаб ўтди. Ўйлаймизки октяб ойи якунига қадар олдимизга қўйга режани бажариб, бойлигимиз бўлган пахтани нес-нобут қилмай териб олишга келишиб олинди.

Кун тартибидаги асосий масалалар юзасидан 3-чорак давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи якунланди. Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари. Маҳалла ва Нурунийлар бошқармаси бошлиқ ўринбосари З.Рахмонов сўзга чиқди.

Бугунги кунда Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан олиб борилаётган ишлар ва уларнинг самарадорлиги қониқарли даражада эканлиги ва келгуси иш жараёнларида маъсулият билан белгиланган вазифаларга ёндшиш керак эканлиги тўғрисида сўз олиб борди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр, мулоҳаза ва таклифларни инобатга олган ҳолда, Фарғона вилоят Жамоатчилик назорат Кенгаши йиғилиши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2022 йил учун пахта хосилини йиғиб олиш ва унга таёргарлик кўригиш юзасидан амалга оширилган ишлар ва терим мавсумини якунига етказиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш мавсум якунига етказулгунга қадар ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар маълумоти вилоят ҳокимлигига тақдим этиб борилсин.

2. 4-чорак давомида иллик режа асосида “Обод қишлоқ обод маҳалла” давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг куз қиш мавсумига таёргарлигини ўрганиш вазифаси белгилаб олинди.

3. жамоатчилик назорати Кенгаши аъзолари белгиланган масалалар ижросини таъминлаш ва белгиланган вазифалар ижросини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Кенгаши раисининг ўринбосари З.Раҳмонов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси Х.О.Комилов кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинганлиги ҳамда йиғилиш иштирокчилари ва фаолларига учун миннатдорлик билдирди ва мажлис ўз ишини якунлади деб эълон қилди.

**Йиғилиш котиби**



**Х.Раҳмонов**